



Халқ сўзи

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2020 йил 22 май, № 107 (7609)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИЛМ БИЛАН, АҚЛ БИЛАН ҲАРАКАТ ҚИЛСАК, ЯНАДА УЛКАН МАРРАЛАРГА ЭРИШАМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, одамлар ҳаёти билан танишиш мақсадида 21 май куни Андижон вилоятига ташриф буюрди.



Давлатимиз раҳбари дастлаб Олтинкўл туманидаги “Кўхна водий баҳори” фермер хўжалигида бўлиб, галла ва ғўза ривожини кўздан кечирди.

— Иқлим шароити юртимизга ўхшаш хорижий давлатларда пахтадан 70 центнергача ҳосил олишади. Қандай қилиб? Илм билан, ақл билан. Андижонда ер камлигини ҳисобга олиб, ундан икки карра самарали фойдаланиш зарур. Ишсиз, даромади етарли бўлмаган минглаб одамлар бор. Ишимизга ўшаларнинг кўзи билан баҳо беришимиз керак, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари ғўза қатор ораларига соя экиш бўйича Андижон тажрибасини яратиш юзасидан кўрсатмалар берди.

— Фермер далага режа учун эмас, даромад учун кириши керак. Соя экилса, битта майдондан икки баробардан зиёд даромад олиш, яна кўпроқ одамларни иш билан таъминлаш мумкин. Ундан олинмаган мўл ҳам, омехта ем ҳам жуда сифатли, бозорбоп. Тўғри, бу қийин. Лекин қайси иш осон? — дея савол қўйди Шавкат Мирзиёев.

Агротехнологияларни ривожлантириш мақсадида Тошкент давлат аграр университетининг Андижон вилояти филиали негизида қишлоқ хўжалиги йўналишида алоҳида олий таълим муассасаси ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди.

“Кўхна водий баҳори” фермер хўжалигининг умумий ер майдони қарийб 76 гектар. Жорий йилда галланнинг ҳар гектаридан 20, пахтадан 10 центнердан қўшимча ҳосил етиштириш режалаштирилган. Галла ҳосилдорлиги 81 центнер бўлиши кутилмоқда.

Фермер хўжалигида 60 киши доимий ва мавсумий иш билан таъминланган. Чорвачилик, асаларичилик йўлга қўйилган.

Шу ерда пахтачилик, галлачилик ва мева-сабзавотчилик кластерлари ҳамда чорвачилик тармоқларини ривожлантириш бўйича лойиҳалар тақдими ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари қайта жиҳозланган автобусда ташкил этилган сайёр лаборатория билан ҳам танишди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Андижон шаҳридаги “ВБМ текстиль групп” МЧЖга қарашли экспортбоп тайёр текуччилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган замонавий корхонада ҳам бўлди.

Ушбу корхонани барпо этиш учун икки йил олдин “Обод” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида-

ги эски бино лойиҳа ташаббускорларига инвестиция киритиш шарти билан “ноль” харид қийматида берилган эди.

Утган даврда қарийб ўн уч йил қаровсиз ётган мазкур иншоотда йирик ҳажмда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Кенг, ёруғ цехлар, омборхона ва бошқа қўшимча хоналар бунёд этилди. Ишчиларнинг меҳнат қилиши ва дам олиши учун зарур қулайликлар яратилди.

Италия, АҚШ, Япониянинг замонавий текуччилик дастгоҳлари ўрнатилиб, 1200 та янги иш ўрни яратилди. Лойиҳани ишга тушириш учун 6,5 миллион доллар маблағ сарфланди. Унинг 4 миллион доллари тижорат банки кредитидир.

Президентимиз мазкур корхона мутахассис ва текуччилари билан суҳбатлашиб, ишлаб чиқарилган текуччилик маҳсулотларини кўздан кечирди.

— Авваламбор, сизларни яқинлашиб келаётган улуг айём билан табриклайман. Бу фабрика андижонликларга ўзига хос туҳфа бўлибди. Биз учун ҳар бир иш ўрни муҳим. Бу ерда шунча хотин-қиз ишли бўлганидан жуда хурсандман. Тадбиркорларимиз жаҳон бозорларига чиқмоқда. Бу — дунёқараш ўзгариши, имкониятлар натижаси, — деди Президент.

МДХ мамлакатлари билан шартномалар имзоланган бўлиб, йиллик 27 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш мўлжалланган. Бу географияни кенгайтириш мақсадида Европа Иттифоқи давлатлари билан музокаралар олиб боришмоқда.

Мутасаддиларга пахта толасини қайта ишлашни чуқурлаштириб, қўшилган қиймат яратиш, корхоналарга қўшимча инвестициялар йўналтириб, ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклини ўзлаштиришга қўмаклашиш бўйича топшириқлар берилди.

Илгари вилоятда етиштирилган пахта факат хом ашё сифатида сотиларди. Бундан даромад 100 миллион долларга ҳам етмасди. Эндиликда қайта ишлаш ривожланиётгани натижасида жорий йилда қарийб 440 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинади. 2021 йилда бу кўрсаткични 527 миллион долларга етказиш режалаштирилган.

Шу ерда вилоятда 2020-2021 йилларда амалга ошириладиган инвестиция, тадбиркорлик ва кичик бизнес, хунармандчиликни ривожлантиришга доир истиқболли лойиҳалар тақдими ҳам ўтказилди.

Хусусан, жорий йилда 954 та лойиҳани амалга ошириш белгиланган. Бунинг натижасида 68 мингдан зиёд иш ўринлари яратилди.

“ВБМ текстиль групп” масъулияти чекланган жамияти томонидан Андижонда жинси шим ишлаб чиқариш, мато тўқиш ва бўяш корхоналари ташкил этилиши кўзда тутилган.

Қиймати 30 миллион долларлик ушбу лойиҳанинг ишга тушиши натижасида 2700 янги иш ўринлари яратилади, йиллик 750 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Андижон аҳоли зичлиги энг юқори ҳудудлардан бири. Вилоятда ердан унумли фойдаланиш ҳисобига аҳолини уй-жой, иш билан таъминлаш, ижтимоий муҳофаз қилиш, турмуш шароитини яхшилаш мумкин. Шу боис бу ерда собиқ ишлаб чиқариш майдонлари ўрнида тураржой мажмуалари қуриш ҳамда аҳолини уй-жой билан таъминлаш чоралари кўришмоқда.

Давлатимиз раҳбари бундан роппа-роса икки йил муқаддам — 2018 йил 20 май куни Андижон шаҳрида қад ростлаётган янги уй-жойларни кўрган эди. Мазкур ҳудудда бу масала долзарб эканини инобатга олиб, қўшимча тураржойлар қуриш бўйича топшириқ берганди.

Шу асосида шаҳарда жами 1 минг 798 хонадондан иборат 41 та кўп қаватли уй барпо этилди. Жумладан, бунёд этилаётган янги мавзедан ўтган йилги йигирмата 7 қаватли, иккита 16 қаватли уй қуриб битказилди. Шу тарихқа атиги уч йилда бу ерда илғор шахарсозлик андозаларига мос йирик мавзео пайдо бўлди.

Президентимиз ушбу мавзени бориб кўрди. 16 қаватли уйдаги хонадонлардан бирида бўлиб, оила билан суҳбатлашди.

“Ўзаҳар қурилиш инвест” инжиниринг компанияси бюортмаси асосида “Хоқон Автоинвест” МЧЖ томонидан қурилган 16 қаватли уйлар Андижон шаҳри учун намуна бўлди. Лойиҳа қиймати 46,6 миллион сўм бўлган уйлар Туркия технологияси асосида, маҳаллий шароитни ҳисобнаётгани натижасида жорий йилда қарийб 440 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинади. 2021 йилда бу кўрсаткични 527 миллион долларга етказиш режалаштирилган.

Хонадонлар электр плита, ошхона мебели, иситиш тизими ва иссиқ сув билан таъминлайдиган алоҳида қозонхона билан март ойида тайёр ҳолда топширилган. Ҳар бир уй иккитадан лифт билан жиҳозланган.

Мазкур уйлар ҳовлисига дам олиш ва спорт майдончалари, болалар ўйингоҳлари, автотураргоҳ барпо этилган.

Янги уйларда шунча майдондаги бошқа лойиҳаларга нисбатан 2 баробар кўп хонадонлар жойлашгани маҳаллий шароит учун жуда муҳим. Шу боис хонадонларнинг нархи ҳам ҳамёнбоп.

Мазкур тураржойлар қурилиши шаҳарнинг ушбу қисмида урбанизация жараёнларини тезлаштирди. Аввало, кўп қаватли уйларда биронта сотилмаган хонадон қолмади, бу қурилиш суръатини оширди. Уйларга талаб юқорилиги боис ҳудудга саноат корхоналарининг қизиқиши кучайди.

Бугунги кунда давлатимиз раҳбарининг аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш ҳамда ипотека кредити бозорини янада кенгайтириш тўғрисидаги қарори асосида ҳудудда тижорат уйлари ҳам барпо этилмоқда. Яна бир афзал жиҳати, бундай тураржой мавзелари боғча, мактаб сингари ижтимоий инфратузилмаси билан бирга қад ростламоқда. Бошқача айтганда, андижонликларнинг кўп йиллик орзу-хаваслари ушалоқда.

Аҳолини тураржойлар билан таъминлашни изчил давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

— Камбағалликдан чиқишнинг энг асосий замини — уй-жой. Одамларнинг бошпанаси бўлса, ўзи ҳаракат қилиб, рўзгорини оёққа қўйиб олади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Туманлардаги аҳоли зич жойларга ҳам коммуникация олиб бориб, барча шароитга эга кўп қаватли уйлар қуриш, замонавий қишлоқлар бунёд этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари Андижон вилоятига сафари чоғида Марҳамат туманидаги “Водий ҳамкор агрофирмаси” томонидан ташкил этилган қўнчилик кластери билан ҳам танишди.

1 гектардан зиёд майдонда ташкил қилинган мазкур кластер жорий йил 1 майдан ишга тушди. Кооперация усулида 50 та хонадонга қўнлар тарқатилиб, улардаги одамлар бандлиги таъминланди. Шунингдек, қўн терисини ошлаш ва теридан телпак тикиш цехида 20 та иш жойи яратилди.

Корхонага “Калифорния”, “Янги Зеландия”, “Фландер”, “Рекс” ва “Великан” зотли 1000 бош қўён олиб келинган бўлиб, бир йил давомида улар сони 30 минг бошга етиши кутилмоқда. Бу ҳар бир қўён икки килограмдан тош босса, жами 60 минг килограмм парҳезбоп гўшт етиштирилади дегандир.

Қўнчилик кластери томонидан

бир йилда жами 3 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариш, 150 минг долларлик экспорт қилиш режалаштирилган.

Айни пайтда вилоятда қўнчилик йўналишида 58 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳалар доирасида кооперация усулида хонадонларда қўён боқиш кўпайтирилса, экспорт ҳажми янада ошади.

Вилоятда омехта ем ишлаб чиқаришни кўпайтириш, қўнчиликни 1 миллион бошга етказиш бўйича вазифалар белгиланди.

Шу ерда чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик корхоналари салоҳияти ҳақида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбарига “Ипотекабанк” томонидан Хитой технологияси асосида балиқ етиштириш лойиҳаси тақдим этилди. Одатда балиқчилик хўжаликлари бир гектар кўлда 3-4 тоннагача балиқ етиштиради. Мазкур интенсив усулда бир гектар сунъий кўлда 100 тоннагача балиқ олинди. Шунча ҳосилни етиштиришга бор-йўғи олти ой вақт керак бўлди.

Ушбу технология биофильтр, ультрафиолет ёрдамида соатига 200 тонна сувни тозалаб, кислотародга бойитиб беради. Бир гектар ҳавзадаги сувни тозалаш учун 3 кун вақт керак бўлади. “Vally Fish” МЧЖ томонидан Андижон туманида амалга оширилган ушбу тажриба гоёт самарали бўлиб, айни пайтда Улугнор туманида 60 та тадбиркор Хитойнинг 100 та технологиясини қўйишни бошлади. Бу ушбу интенсив усул ёрдамида вилоятда йил охиригача 10 минг тонна балиқ етиштириш мумкин дегандир.

Мазкур лойиҳа давлатимиз раҳбарига маъқул бўлди. Балиқчиликда Андижон технологиясини барча вилоятларда ҳам амалга ошириш зарурлиги таъкидланди. Яқин кунларда вилоят ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги бўйича ўринбосарлари учун Андижон туманида кўргазмали семинар ташкил қилиниб, балиқ етиштиришда Хитой технологияси ўргатиладиган бўлди.

— Андижонда чорва кам, гўшт бошқа жойлардан олиб келинган. Қўён, парранда, балиқ кўпайтирилиб, гўшти истеъмолга чиқарилса, вилоятда гўшт нархи тушади. Камбағал оилаларга тарқатилиб, кластерлар томонидан қайта сотиб олинса, уларга даромад бўлади. Иқтисодий комплекс ва сектор раҳбарлари шу билан шуғулланиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари Андижон вилоятига сафари чоғида “Замонавий қишлоқ” лойиҳаси тақдими билан танишди.

Шу борада Пахтабод туманидаги Бўстонбод қишлоғи ҳамда Қўрғонтепа туманидаги Янги ҳаёт маҳалласи учун дастлабки бош режа ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ, қишлоқ ҳудудларга зарур муҳандислик коммуникациялари тортилиб, кўп қаватли уйлар қурилади. Улар, аввало, бир уйда кўпчилик яшаётган, муҳтож оилаларга берилади.

“Замонавий қишлоқ”да мактаб, болалар боғчаси, тиббиёт муассасасидан ташқари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш тармоқлари, “Book safe”, минибанк шохобчаси, спорт-кўнчилиқар максаанлар, автобекат, қўйингки, аҳоли учун барча қулайлик яратилади. Шу тарихқа қишлоқларимиз ҳам келгусида замонавий, яшаш қулай максаанларга айланади.

Президентимиз бу борада Андижон тажрибасини яратиш кераклигини таъкидлади. Буниг учун алоҳида лойиҳа ишлаб чиқиш, “Замонавий қишлоқ”даги уйлари бошқа тураржойларга нисбатан арзон қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шу ерда вилоятда камбағалликни қисқартириш, ипотека кредитлари асосида яқна тартибдаги уйлари қуриш-таъмирлаш лойиҳалари муҳокама қилинди.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
Қ А Р О Р И

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Эзулик, саховат ва мурувват оий бўлган муборак Рамазон оий бу йил мамлакатимизда коронавирус пандемияси туфайли йида, оила даврасида, ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳитида муносиб ўтказилмоқда. Эл-юртимиз турли синов ва қийинчиликлардан янада кучли ва қудратли бўлиб ўтган ҳолда, муқаддас Рамазон ҳайитини эртанги кунга катта ишонч ва хурсандчилик билан кутиб олмақда.

Ушбу улуг айёмнинг халқимиз маънавий ҳаётида тутган ўрни, унинг жамиятимизда саҳийлик, шукроналик, меҳроқибат каби фазилатларни қарор топтиришдаги аҳамиятини инобатга олиб ҳамда миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуглаш мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2020 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни **24 май — ақшанба** кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инобатга олиб, мамлакатимизда 2020 йил **24 май** Рамазон ҳайити байрами сифатида нишонлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Рамазон ҳайитининг **каратин талабларига** мувофиқ, халқимизнинг миллий ва диний анъаналарига мос равишда ўтиши учун тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 21 май

Президентимизнинг «Жазо мuddатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги Фармони

ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Муборак Рамазон ҳайитини нишонлаш арасида халқимизга хос меҳроқибат, эзгулик, хайр-саховат каби олижаноб фазилатларнинг ёрқин ифодаси сифатида «Жазо мuddатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан, содир этган жинояти учун жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган **258** фуқаро афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **16** нафари асосий жазодан озод этилади, **101** нафари жазони ўташдан мuddатидан илгари шартли озод қилинади, **24** нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилади. Шунингдек, **117** шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг мuddатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг **7** нафарини **60** ёшдан ошган эркаклар, **1** нафарини аёл, **7** нафарини чет давлат фуқаролари, **164** нафарини таъқилланган ташкилотлар иштирокчилари ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва ақинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланиши, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топиши учун кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

Ў.А.

ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР

Кейинги йилларда юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги нуфузи ва фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Эътибор

Хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича Республика ишчи гуруҳи томонидан Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида ўтказилган учрашув ҳам ана шу йўналишдаги сайёҳаракатларнинг амалий ифодасига аққол мисолдир. Унда Олий Маҳлис Сенати Раиси Танзила Норбоева, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси раиси

АДАБИЁТ ВА МАЪРИФАТ ХИЁБОНИ

2017 йил 3 февраль куни эди. Тўсатдан кўнгирак бўлиб, тезда Миллий боғнинг кунботар томонига келишимни айтишди. Бордин. Бир гуруҳ ижодкорлар йиғилган, давлат раҳбарининг таширфи кутилаётган эди. Ёмғир шивалаб ёғаётган, ҳаво анчайин совуқ. Чоғроққина чодир остида йиғилдик. Дам ўтмай, Президентимиз кириб келди. Сўхбат адабиётга эътибор хусусида бўлди. Ўртбошимиз ижодкорларга тўлиқ шароитлар яратишдан тортиб, адабларга янги бино қуриш, шу ҳудудда адабиётимиз равнақиға умирни бағишлаган адаблар хотирасига боғ яратиш режаси билан ўртоқлашдилар.

Акс садо

Давлатимиз раҳбарининг ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ниятлари, самимий руҳда ўтган сўхбат барчамизни бениҳоя тўлқинлан-тирди. Ахир ўтган уч ўн йилликда эътибордан четда қолган, кўз нури, меҳр кўрини бериб ёган асарларни дунё юзиди кўрмай, чанг босиб ётган, чоп этилганда ҳам тўртта одамдан бошқаси беҳабар қолган ижодкор учун бу қутилмаган руҳий қувват эди. Бир пайтлар шаҳарнинг қоқ марказидаги салобатли биносидан айрилиб, йиллар давомида дарбадар кўчмани каби ижа-рама-ижара, бинодан-бинога кўчиб юрган Ёзувчилар уюшмасига алоҳида бино қурилиши хор бўлган етимнинг бошини силагандек бир гап эди. Кўзларга беихтиёр ёш қалқди.

...Адиблар хийбонига ақратилган ҳудуд кат-та қурилиш майдонига айланди. Тез фураст-ларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси қад кўтарди, атрофда нодир асарлари билан халқимизнинг қалб тўридан ҳақ олган марҳум ижодкорларнинг ҳайкаллари бирин-кетин ўрин ола бошлади. Хийбон ҳудуди пухта ўйланган режа асосида қўқаланзолаштирилди.

2017 йилнинг 25 декабрь куни уюшма бино-сининг очилишига шахсон Президентнинг ўзи таширф бўрди. Яна бир самимий сўхбат бўлиб ўтди. Биринчи сўхбатдан кейин ўтган даврда ижодкорларга берилган имтиёзлар, уй-ҳойлар, ижод учун яратилган имкониятларга миннат-дорлик туйғуси иштирокчиларнинг кўзларида-ги қувончдан яққол кўриниб турарди. Бу гап Ўртбошимиз ўзларининг гапдаги режаларидан сўз очдилар. Буюк адабиётимизни дунёга олиб чиқиш, таржима қилиш, оммалаштириш, Адиб-лар хийбонини ёшларнинг доимий маърифий масканига айлантириш бўйича зарур топши-риқларни бердилар. Сўхбат якунида “бу ҳали бошлангичи, менинг кўнглимда режаларим кўп. Армонларим, ниятларим бор. Вақти келса, ўзларингиз кўрасизлар. Сизлар билан ҳали кўп

учрашамиз...” дея хайрлашдилар. Бу гап ижодкорлар орасида анча муҳома бўлди. “Ахир адабиётга бўлган эътибор бун-дан зиёд бўладими, бино берилди, боғ бунёд этилди. Неча йиллардан бери хор бўлган ижод-корларнинг обрўсини шунчалар кўтариб, уй-жой бериб, қалам ҳақиғача оширган бўлса-лар, унвонлару муқофотларга тасвиялардан бош айланади. Яна қандай режалари бор экан?” деган уй ҳамманинг фикри-зикрида бўлди.

Адиблар хийбонидида қурилиш тўхтамади. Ободончилик ишлари давом этаверди... Куни кеча Адиблар хийбонига қориб, оғзи-миз ланг очилиб қолди. Президентимизнинг ижодкорларни ўйлантирган саволларига жа-воб топгандек бўлдим. Адиблар хийбонининг гузаллиғига маҳиё бўлмаслиқнинг илоҳи йўқ. Ўзбек адабиётининг Алишер Навоийдан кей-инги беш юз йиллик тарихи кафтдек намёнё. 24 нафар буюк сўз санъаткорининг мис ва бронзадан қўйилган ҳайкаллари, улар атро-фидаги сўлим боғчалар, киши таъбини қувно-тадиган анвойи гуллар ифоридан бошингиз айланади, ўзингизни қандайдир фирдавсмо-нанд масканга қириб қолгандек ҳис этасиз. Боғни кезар экансиз, бежирим қўшқларга кўзингиз тушади. Хар бир ҳайкал атрофида бир қўшқ, атрофи чаман. Ҳайкаллар орасидан ўтиб юқорилай бошласиз. Марказий йўлакка ўтишингиз билан боғ чўққисидида ҳазрат Алишер Навоийнинг маҳобатли ҳайкали. Ёе, энди у боққа тескари эмас, бурилиб, Адиблар хийбо-нига қараб турибди. Ҳайкал пойига кўтарили-дик. Орқамизга ўтирилиб, тош қотди. Ҳайкал пойида бутун адабиётимиз намоёндалари ҳайкаллари улуғ бобокалонимизга қараб, таъзим қилаётгандек, гўё. Ҳаяжон босди. Ўртбошимизнинг қалбидаги армон ва ният-ларини сезгандек бўлдим.

Адиблар хийбонининг гўзаллиғи беқиёс, аммо унинг замирида ётган мазмун-моҳият бизни янада қаттиқ тўлқинлантирди. Ҳазрат Навоий юксалиқидан қўшға бокмоқда. Қуёш, бу — нур манбаи, мажозий маънода, илм ва маърифат манбаи. Навоий бир умр зиёга, илм-га интилган ва ундан ўзи зиёбани, маъри-фатни тарғиб этган. Ўз даврида “Шамс ул-миллат”, яъни миллат қуёши, деб улуғ-лангани ҳам шундан. Унинг пойида бу-тун ўзбек адабиёти намоёндалари, ада-биёт тарихи тўлиқ гавдалантирилган. Ҳаммаси Навоийга таъзимда, Навоий уларни юксалиқидан туриб, маърифатга, зиёга тарғиб этиб турибди. Бу боғ, боғ эмас, ўзбек ада-биёт тарихи дарслигининг кўрғазмали ман-зараси-ку! Бу ерда ёш авлод биз бир йил маъруза қилиб юрадиган мавзурларимизни бир соатда ўзлаштириши мумкин. Ўзбек адабиёти билан таниш бўлмаган одам бир айланиш-даёқ адабиётимизнинг яловбардорларини эслаб қолади, ўзбек адабиёти тарихи ҳақида тасаввурга эга бўлади. Шу маънода, ушбу маскан нафақат адабиёт, балки билим ва маърифат масканига ҳам айланди, десак, адашмаймиз.

Нимасини яширамиз: кўпчилик бадий асар ўқий у ёқда турсин, ўз адибларимиз, ўзимиз-нинг буюк адабиётимиз борлиғидан ҳам беҳа-бар эди. Маънавиятдан тобора ўзоқлашиб, чет эл маданиятига сиғиниш бошланганди. Ёшлар-ни айтмасак ҳам бўлади. Ўртбошимизнинг ки-тобхонлик маданиятини ошириш бўйича олиб борган сиёсати натижақисида ёшлар китоб ўқий бошлади. Китоб мутлоаси, адабиёт тарғиби-ти давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Ба-рибир ҳамма бирдек қиришган дея олаймиз. Аммо бу бони айлانган ёшларда адиблар-нинг ҳайкаллари билан таниша туриб, улар-нинг асарларини олиб ўқишларига иштиёқ пай-до бўлишига ҳеч шубҳа йўқ. Уларга қўшилиб ота-оналар ҳам ўқий бошлади.

Адабиёт — тарбия воситаси. Адабиётнинг бош вазифаси — инсон қалбини гузаллашти-риш, унинг маънавиятини юксалтириш. Китоб — зиё манбаи, бадий асар ўқувчи кишига алоҳида тарбиячи керак эмас. Асар руҳининг ўзи тарбиялаб қўйди. Инсоннинг маънавияти ўзгаради, маърифати ошади, ватанпарварлик ҳисси жўш уради. Бу боққа кирган одам на-фақат дам олади, нафақат буюк адабиётимизга меҳр боғлайди, балки бу ердан рух олади, мафқураси ўзгаради, миллий ғурури кучаяди.

Она тилимизни, адабиётимизни, миллатимиз-ни шарафлаган буюк бобокалонимизнинг хиз-матларини чўқур ҳис қилади ва сидқидилдан пойига гуллар қўйиб, таъзим бажо келтиради. Президентимизнинг чўқур ўйланган режа-ларига қойил қолмаслиқнинг илоҳи йўқ.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг бир байтлари ёдга тушди:

Эрур чун олам чира жоёқ фоний, яхши от боқий,
Бас, эл комин раво айла ўзунгни комрон кўрғач.

Ушбу байтда, соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, шундай маъно муҳассам:

Бу дунёдан ўтгуси ҳар мансаб,
Яхши от қолгай,

ки отинг тоабд қолгай!
Куни кеча Адиблар хийбонидида Президенти-миз билан ўчинчи самимий сўхбатда кат-нашиш шарафига муяссар бўлдик. Муҳаммал меъморий ечимга эга бўлган ушбу боғ очи-лишига барча ижод аҳли билан бирга, олий таълим муассасалари ректорлари ҳам тақ-лиф этилган эдилар. Давлатимиз раҳбари сўх-батидан ректорлар беҳиз тақлиф этилмаган-ни сездик. “Адабиёт — халқнинг юраги ва маънавияти”, деб таъкидлади Президент. — Соҳавий йўналишидан қатъи назар, барча олий таълим муассасаларида ўзбек адабиё-тини ўқитиш, ўқув режасига Алишер Навоий-га бағишланган махсус фан — Навоийшуно-слик фанини киритиш, адабий тўғараклар, те-атр-студиялар ташкил этиш, ўзбек адабиёти намоёндаларининг музейларини очиш, адиб-ларга бағишланган фильмлар яратиш вази-фалари топширилди. Очйқ осмон остидаги аудитория — Адиблар хийбони ҳаммаша очйқ дарслар билан банд бўлиши, ёшларнинг қадами қанда бўлмаслиги, энг асосийси, бу ердаги руҳ барча йигит-қизларнинг қалбига сингитишга эришиш ҳаммамизнинг бош ва-зифамиз бўлиши кераклиги алоҳида таъкид-ланди. Бу вазифалар ҳар биримизни масъу-лиятни янада чўқур ҳис қилишга, ишимизга янгича қўлдан, юқори даражада ёндашиш-га ундайди.

Шўхрат СИРОЖИДДИНОВ,
Алишер Навоий номидagi
Тошкент давлат ўзбек тили ва одобиёти
университети ректори, Адобйёт соҳасида
1-даражали Давлат мукофоти лауреати.

ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ – ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Халқ қабулхоналари аҳоли мурожаатлари билан ишлашнинг энг самарадор тизими сифатида ўзини яққол намёнёб қилмоқда.

Фарғона вилоятида ҳам аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фарғона вилояти ҳамда туман (шаҳар)даги Халқ қабулхоналари томонидан алоҳида эътибор қаратилляпти. Аҳолини қийнаб келаётган, фуқароларнинг бирламчи эҳтиёжлари билан боғлиқ мурожаатлар тезкор тартибда кўриб чиқилиб, зарур ёрдамлар қўрсатилляпти. Бу эса, айниқса, пандемия шароитида фуқароларга жуда асқатди, десак, тўғри бўлади.

Фамхўрлик

келиш масаласида ҳам қийин-чилиқлар юзага келганди. Бу жиҳатларга ҳам эътибор қа-ратилди.

Масалан, Фарғона тумани-нинг анклав ҳудудларидан — “Шохимардон” ва “Ёрдон” маҳалла фуқаролар йиғинлари-даги аҳоли карантин тўғайли туман марказидан узилиб қол-ганлиги ҳамда ушбу ҳудудлар-да яшовчи фуқароларнинг ижти-моий жиҳатдан қўллаб-қувват-лаш мақсадида маҳаллий ҳокимликлар ва ҳомийлар томонидан 124 тонна ун, 13,5 тонна ўсимлик ёғи, 200 ки-лограмм шакар, 400 килограмм гуруч ва бошқа зарур маҳсулот-лар аҳолига бепул етказиб бе-рилди. Шунингдек, Сўх тумани аҳолисига вилоят ҳокимлиги то-

монидан 5 минг қоп ун ва яна шунча миқдорда 5 литрли идишдаги ўсимлик ёғи барча маҳаллага тақсимланиб, бепул тарқатилди.

Айтиш керакки, эпидемиоло-гик шароитда аҳолини ижти-моий қўллаб-қувватлаш билан бирга, бандлиқни таъминлаш масалалари ҳам устуворлик касб этди. Хатлов натижақисида ҳудудда яшовчи қамбағал, яқка-ёлғиз, иқтисодий ночорлар аниқланиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг меҳнатга лаёқатли 41 мингдан ортық ва килларининг кластерлар, фер-мер хўжалиқлари, қурилиш, жа-моат ишлари орқали бандлиги таъминланди.

Мисол учун, қиянда Бағдод тумани ҳокимлиги томонидан

захирага олинган экин майдон-ларида анорчиликка ихтисос-лаштирилган кооператив ташкил этилиши натижақисида 59 оилан-нинг ҳар бирига 30 сотихдан экин майдони ажратилди. Бу билан уларнинг даромад олишлари учун катта имконият яратилди.

— Етишмовчилик сабаб иш сўраб Халқ қабулхонасига му-рожаат қилган эдим, — дейди Зуҳраҳон Турсунқулова. — Икки нафар болам билан ёлғиз қол-ганман. Уларнинг тарбияси би-лан машғул бўлиб, бирор му-қим ишни маҳкам тутмагандим. Давлат томонидан кўп марта моддий ёрдам билан таъмин-ланганмиз, лекин ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди-да. Бизга 30 сотих ер ажратиб берилди. Энди шу ерда меҳнат қилиб, даромад олишга, рўзғоримнинг кам-кўстини бутлашга астойдил ҳаракат қиламан.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ви-лоятда “Ҳар бир ёшга бир гектар” лойиҳаси доирасида 961 гектар ер 3080 нафар ёшга ўртача 20 сотихдан ер ажратиб берилди. Ана шундай хайрли ишларнинг узвий давоми сифа-тида “Ямбароқ” маҳалла фуқа-ролар йиғинидаги фойдаланил-маётган ўн гектар ер майдони-да ҳам хўжағат етиштиришга ихтисослаштирилган “Фарғона тумани ёшлар малиначилик кооперацияси” ташкил этилди. Натижада 50 нафар ёшнинг ҳар бирига 5 — 10 сотихдан ер май-донлари ажратилиб, уларнинг бандлиги таъминланди.

— Сўхликларнинг барчаси мураккаб пандемия шароитида ҳам давлатимизнинг, маҳаллий ҳокимликлар ва Халқ қабулхо-налари ҳодимлари қўллаб-қув-ватловидан кечисиз миннатдор, — дейди “Ғазноб” маҳалла фуқаролари йиғини раиси Халилжон Бобоев.

Қисқаси, пандемия даврида Халқ қабулхоналари давлат ва-киллик органлари билан бир қаторда, саховат ва ёрдам иш-ларини амалга оширяпти. Ҳеч бир мурожаат эътибордан чет-да қолмаяпти. Бу ҳам уртимизда аҳоли мурожаатлари билан ишлашнинг янгича усули катта самара бераётганидан далолатдир.

Элёржон ЭҲСОНОВ
(«Халқ сўзи»).



Пандемия даврида вилоятда-ги Халқ қабулхоналарига жами 13 мингдан ортық мурожаатлар келиб тушган бўлса, уларнинг аксарияти бирламчи озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъмин-лашга доир. Шу боис ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъмин-ланган, кунлик топилган даро-мад эвазига яшовчи оилала-рда қисқа муддатларда 2 мил-лиард 135 миллион сўмлик озиқ-овқат ҳамда дори-дармон маҳсулотлари етказиб берилди.

Бундан ташқари, 80 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилувчи Сўх, Фарғона туманлари ҳамда ушбу ҳудудлар қишлоқларида карантин даврида озиқ-овқат учун вилоят марказига бориб-

ги бўлган, бокувчисидан ажралган, оғир касаллари бор, кўп болали ҳамда ижтимоий нафақадан бошқа даромад манбаи бўлмаган оилалар биринчи тоифага мансуб деб топи-лди. Бундай оилалар вилоятда 36 минг 552 та бўлиб, шундан 21 минг 103 таси жамгарма маблағлари ҳисо-бидан қўллаб-қувватланади. Қолганла-рига эса саховатпеша тадбиркорлар, шахслар ва ташкилотлар маблағла-ри йўналтирилди.

Иккинчи тоифадаги оилаларни қўллаб-қувватлашда ҳам энг турғи ечим топилади. Яъни бундай оил-аларнинг меҳнатга лаёқатли вакила-ри бандлиги таъминланаяпти. Шу пайтгача бундай оилаларнинг 9 минг 669 нафар вакили ўз иш жойига эга бўлди. Бунинг учун биз қурилиш ва саноат корхоналари, иссиқхона хўжа-ликлари, мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган Китоёб, Шаҳри-сабз, Яқкабоғ туманларидаги интен-сив боғлар ва пахтачилик фермер хўжалиқлари ҳамда қишлоқ хўжали-ғи бирлашмалари (кооперациялар)-дан миннатдормиз. Хусусан, вило-ятдаги бўш турган 1 минг 185 гек-тар ер майдони 23 та қишлоқ хўжа-лиги бирлашмаси (кооперация)га би-риктирилди.

Масалан, Қарши туманининг Хо-нобод ҳудудида сув чиқармайдиган лал-ми ерининг 35 гектари кооперация ҳисобига ажратиб берилди. Коопе-рация раҳбари томонидан 600 метр масофага электр токи тортилиб, 2 та артезиан қудуғи қазилди ва экин экиш учун ер майдони тайёр ҳолга келтирилди. Фойдаланушга тайёр-ланган ер майдони ҳудуддаги 51 на-фар ишсиз фуқарога 50 сотихдан би-риктириб берилди.

Шу ўринда вилоят маҳаллалари-даги эҳтиёжманд оилалар орасидан ҳонадонда иссиқхона қуриш учун ер майдони мавжуд, ишлашга лаёқатли оила азёсиси бўлган 500 та ҳонадон саралаб олинганлигини ҳам айтиш зарур. Тез кунларда ана шу ҳона-донларда иссиқхоналар ишга туши-рилади.

Қисқаси, ҳозирги коронавирус пандемияни шароитида нафақат Қаш-қадарё вилоятида, балки мамлақати-мизнинг барча ҳудудида “Саховат ва кўмак” жамгармаси ҳисобидан аҳоли-нинг ижтимоий ёрдамга эҳтиёжманд қисми мунтазам қўллаб-қувватлаб ке-линапти. Zero, ҳеч ким эътибордан четда қолиб кетмаслиғига эришиш асосий мақсадимиздир.

Толибжон МАДУМАРОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Маҳаллий ҳокимият вакиллик
органлари фаолиятини
кучайтиришга қўмаклашувчи
комиссияси раиси.

Сенатор мушоҳадаси

«Саховат ва кўмак» жамғармаси:

ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛАЁТГАНИ ЙЎҚ

Ҳозирги пандемия шароитида турли қийинчиликни бошдан кечираётган юртдошларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича жуда қўллаб ишлар амалга ошириляпти.

Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати халқимизнинг ана шу эзгу ишларини аниқ бир мақсадга йўналтираётгани билан алоҳида аҳамиятга эга. Маскур ҳаракат доирасида ташкил қилинган “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан аҳолининг кўмакка муҳтож қатламлари аниқ ва манзилли асосда қўллаб-қувватланаётди.

Ҳўш, бугунги кунда ушбу жамғарма қандай ишляпти, унинг фаоляти ким томонидан назорат қилинмоқда?

Маълумки, давлатимиз раҳбари раислиғида жорий йилнинг 22 апрель куни глобал инқироз ва пандемия ша-роитида аҳолининг бандлиги маса-ласига бағишлаб ўтказилган видео-селектор йиғилишида маскур жам-гарма вазифалари билан бир қатор-да, унинг фаоляти Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғори Кенгеси, ви-лоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда ту-ман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан мунтазам назорат қилиб борилиши таъкидлан-ганди.

Бугун бу борадаги ишлар қандай кетаётганини ёрқин тасаввур қилиш учун айнан битта вилоят мисолида таҳлил этишга ҳаракат қилимиз. Ав-вало, бошқа ҳудудларда бўлгани каби Қашқадарё вилоятида ҳам ҳар бир оиланинг аҳоли секторлар раҳбар-лари ва маҳаллалар фаоллари томо-нидан ўрганиб чиқилди ҳамда эҳти-ёжманд оилалар рўйхати шаклланти-рилди. Уларга бериладиган маблағ ва дори-дармонлар, бошқа маҳсулот-лар ҳажми ҳамда иш ўринлари ҳам белгиланб олинди.

Эътиборлиси, ана шу маълумот-лар халқ депутатлари маҳаллий Кен-гашларига киритилиб, сессияларда тасдиқлатиб олинди. Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоевнинг “Саховат ва кўмак” жамғармаси маб-лағларининг мақсадли сарфланиши-ни қатъий назоратга олиш бўйича махсус топшириғига биноан, ҳар бир маҳаллий Кенгаш қошида штаблар ташкил этилди. Штаб аъзолари аж-ратилган ёрдам оилаларга етиб бо-раётганлигини жойида аниқлаш учун тегишли рўйхат асосида ҳонадон-хонадон юриб, назорат олиб бормоқдалар.

Вилоятда “Саховат ва кўмак” жам-гармасининг хизмат кўрсатувчи марказлари (шоҳобчалари) ташкил этилиб, давлат санитария-эпидеми-ология назорати идоралари ҳодим-ларини жалб этган ҳолда санитария воситалари, ҳимоя ниқоблари, мах-сус кийимлар ва антисептик восита-лар билан тўлиқ таъминланди.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувват-лаш бошқармаси маълумотига қўра, ҳозирги кунга қадар “Саховат ва кўмак” жамғармасига вилоят бўйича 11 миллиард 162 миллион 900 минг сўмдан зиёд хайрли маблағлари ке-либ тушган. Ана шу маблағларни эҳтиёжманд оилаларга етказиш бўйи-ча ҳам амалий чоралар қўрилди. Аниқ айтадиган бўлсак, вилоят бўйича жами 52 минг 249 та эҳтиёжманд оила рўйхатга олинган бўлиб, улар икки тоифага ажратилган ҳолда, мод-дий ёрдам билан таъминланди.

Бундай таснифлаш адолатли қарорлар чиқарилишида қўл келяпти. Яқка-ёлғиз кексалар, ногиронли-

бу ерни илм-маърифат ва мада-ният масканига айлантириш юза-сидан келгусида амалга ошири-лиши лозим бўлган чора-тадбир-лар бўйича зарур курсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари таъкидла-ганидек, бу биринчи қадам. Тош-кентда илмий тадқиқотлар учун жуда катта манба бор. Лекин шу пайтгача яхлит ва тўлиқ ўрганил-маган. Энди 2200 йиллик тарих-ни даврма-давр ўрганиш, музей-ни ашёвий далиллар билан бо-йитиб, шаҳар цивилизациясини тўла юзага чиқариш керак.

Барча замонавий талабаларга жавоб беришчи ушбу музейда эса зарур шарт-шароит ва имконият-лар етарли. Ишончимиз комилки, ушбу маданият маскани аждод-ларимиздан бизга мерос бўлган бойлики келажак авлодга етказ-иб берадиган илмий, маънавий-маърифий хазинага айланади. У йиллар давомида пойтахтимиз та-рихидан мерос ашёлар, санъат асарлари, халқнинг эзгу қадри-ятлари, турмуш тарзи, урф-одат ва аънаёлари касб этган ноёб экспонатлар билан изчил бойит-иб борилади.

Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Ёшлар, маданият ва спорт
масалалари қўмитаси раиси.

даги маслаҳатларни ёзиб олар-ди. Лекин кўзимнинг қон бо-сими бор, ўзоқ қараб туролмай-ман, шу боис ҳар сафар муро-жаат учун кўрсатилган телефон рақамини ёзишга улгурмасдим. Кейинги сонини кутиб ўтирар эдим. Баъзан шундай бўлдики, битта маълумот учун оилаб кут-дим. Шу орада водийлик бог-бонлардан телефон орқали маслаҳатлар олдим. Газета ва журналларни эса фарзандла-римга ўқиттирдим...

Тадбиркорлиқни кимдир ма-шаққатли касб, кимдир тўғма истезьод, яна кимдир авлод-дан-авлодга ўтадиган аънаа, деб тушунади. Абдуҷамол Жумаев эса гайрат, иштиёқ ва меҳнатсеварлиқни тадбиркор-лик асоси деб билади. Бунинг натижақисида бугун унинг иссиқ-хонаси иккита бўлди: бирида мандарин, иккинчисида лимон парваришланаётди.

Қисқаси, Абдуҷамол Жумаев 1-гуруҳ ногирони бўлса-да, ҳалол меҳнати, матонати билан бор имкониятлардан оқилона фойдаланиб келаётган шижоатли инсонлардан. Унинг ҳона-донига кириб борган киши борки, бу инсондаги меҳнатга чанқоқлик, келажакка ишонч ҳамда бугунги кунига шукрона-лик ҳиссини туяди. Яқин келажакда у тоғли вилоятларга велосипедда саяҳат қилиш ҳаракатида. Унинг фикрича, “Агар инсон ботқоққа ботгандан ёлғиз ўзини эмас, бир йўла уч-тўрт кишини олиб чиқиш йўлини топса, кейинги сафар бир ўзи қолса ҳам чиқиб кета олади”.

Шубҳасиз, бу сўзлар Абдуҷамол Жумаевнинг матонати чиз-ғиси. Аммо унинг тийнатики безайидиган ана бир чизги шуки, Абдуҷамол ака имконияти чекланганлар учун тақдим этилган автомобиль ва уйни олишдан бош тортган экан...

Қамолла АБДУНАИЕВА.
Бёёбут тумани

Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавияти кўзгуси. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак. Аждодлар меросини ўрганиш, бой маданиятимизга муносиб буюк адабиёт яратиш учун ҳамма шароитларни ҳозирлаймиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Улуг шахслар маълум бир миллатга мансуб бўлса-да, уларнинг даҳоси инсониятга зиё тарқатиши билан аҳамият касб этади. Асрлар давомида ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг турли жабҳаларида етишиб чиққан тақрорланмас истеъдод эгалари — улуг мутафаккирлар, салоҳиятли олиму уламолар, фидойи шоиру адиблар туфайли ўзбек халқи жаҳон сахнида бугун ўзининг муносиб қиёфасига эга бўлиб тургани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Шу сабабли, турли тилларда заминга инган ваҳийлиكنинг асосида ётган сўзни туркийда баралла жаранглата олган буюк мутафаккир шоир Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг ҳайкали она сайёрамизнинг турли кўркам шаҳарларида қад ростлаб турган бўлса, унинг асарлари миллати ва элати, дину ирқидан қатъи назар, миллионлаб қалбларга мангу зиё сочиб турибди.

Ўтган асрнинг илк чорағидаёқ Алишер Навоий ижодини чинакам илмий мезонлар асосида ўрганишга киришилди. Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Олим Шарафиддинов, Мақсуд Шайхзода, Воҳид Абдуллаев,

Евгений Эдуардович Бертельс, Ҳамид Олимжон, Ҳоди Зариф сингари шоир ижоди тадқиқотчилари сафига кейинроқ Порсо Шамсиев, Ҳамид Сулаймонов, Натан Маллаев, Воҳид Зоҳидов, Иззат Султон, Суйима Ғаниева, Алибек Рустамов, Абдуқодир Ҳайитметов, Ботур Валихўжаев, Ёқубжон Исроқов сингари нуктадон олимлар ҳам қўшилдики, улар орасида филология фанлари доктори, академик Азиз Қаюмовнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Икки йил аввал, домла ҳаётининг сўнгги йилларида “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари танлови ғолибларидан бири сифатида тахриратда таширф буюрдилар. Сўз берилганида тилга олаётган ҳар бир ҳаётий воқеа-ҳодисага Алишер Навоийдан мисоллар келтиришлари иштирокчиларга юксак завқ-шавқ бағишлаган эди. Сермазмун умрида академик Азиз Қаюмовнинг бу сўнгги суҳбати бўлди. Кўп ўтмай, у киши ҳаётдан кўз юмдилар. Куйида эълон қилинаётган суҳбат 2017 йил декабрь ойда муҳбиримиз Шойим Бўтаев томонидан ёзиб олинган.



Ўзбекистон Республикаси. Президенти. Матбуот хизмати сурати.

НАВОИЙ ДАҲОСИГА ТАЪЗИМ

ЁХУД АКАДЕМИК АЗИЗ ҚАЮМОВНИНГ СЎНГГИ СУҲБАТИ

Матбуотга болаликдан қалбимизда муҳаббат уйғонган

— Ўтган асрнинг ўнинчи йилларида газета халқимиз ҳаётида энди-энди оммалаша бошлаган эди, — дея сўз бошладилар академик Азиз Қаюмов ўша учрашувда. — Падари бузуковоримиз ҳам мана шу йилларда газета ўқишга чанқоқлик билан киришиб, кейин бутун ҳаётлари давомида бу машғулотни қанда қилмаган эдилар. Бизни ҳам шундай қилишга даъват этардилар. Жиддий мақолаларни яхши тушуна олмасак, у киши бизга тушунтириб берадилар. Мана шу йўсинда матбуотга болаликдан қалбимизда муҳаббат уйғонган. Ўша-ўша кўлимга газета олмаган кун мен учун беҳуда ўтгандек туюлаверди. Унинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайдди.

Мақтабда ўқиб юрган пайтларимда эса “Ленин учқуни” (ҳозирги “Тонг юлдузи”) ва Кўқон шахрида чиқаётган “Янги Фарғона” газеталарига ёзган нарсаларим чиқа бошлагани менга қанот бағишлаган эди. Уруш вақтида мен “Янги Фарғона” газетасида озроқ вақт адабий ҳодим бўлиб ишладим. Ўзув саводхонлиги, матн устида ишлаш борасида ижод аҳли, илм аҳли учун газета катта мактаб эканлигига ўшанда ишонч ҳосил қилганман. Матбуотнинг аҳамияти, ҳаётда тутган ўрни, унинг таъсир кучи ҳақида шоғирдларимга ҳамиша ўқитиб келаман.

Ўзбек адабиёти қадим даврлардан бошланган

Ўзбек адабиёти қадим даврлардан бошланган. Ўша вақтда Олим Шарафиддиновнинг “Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси” деган икки томлик китоби босилиб чиққан эди. Биринчи томи уруш бошлангандан аввал, иккинчи томи урушдан кейин чиққан. Бу китоб ўзбек адабиётининг миңг йиллик тарихини ўз ичига олган. Олим Шарафиддинов Ўзбекистонда биринчи бўлиб Алишер Навоийнинг ижодий таржамани ҳолига дариб китоб ёздилар. У китобни ёдлаш ҳақидада ўқиганмиз. Мақтабда ҳам ўқиганмиз. Ўйда ҳам ўқиганмиз. Бизнинг авлод Олим Шарафиддинов, Ҳоди Зариф, Воҳид Зоҳидов, Евгений Бертельс сингари улуг олимлар таъсирида шаклланди. 1944 йил Тошкентга келиб, Ўрта Осиё давлат университетининг филология факультетига ўқишга киришга ҳаракат қилдим. Ўша йили университетда шарқшунослик факультети очилди. Ўтмиш даври адабиёти билан шуғулланиб, қизиқганимни туфайли мен шу факультетга ўқишга кирдим. Абдурахмон Ҳамроев факультетимизни ташкил этган, раҳбарлик қилган деканимиз эдилар. Абдуғани Муталибов, Содиқ Мирзаев араб тилидан, эронлик Тобо Тобой деган муҳожир форс тилидан сабоқ беришган.

Мен олий ўқув юртини 1949 йилда тавомлашганман. Аммо 1948 йилдан бўён Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида ишлайман. Шарқшунослик институтида биз талабалар кўлэма китоблар бўйича амалиёт ўтаётган вақтимизда институт директори, академик Воҳид Йўлдошевич Зоҳидов

мени чорлаб, кичик илмий ҳодимликка тақлиф қилдилар. — Менга қандай вазифа юклайсиз, — дея сўрадим. — Ўзининг иштиёқинг қандай, қайси йўналишда ишлашга мойилсан, — дедилар.

Мен Кўқон адабиёти бўйича ишласам, дедим. Боиси Кўқонда туғилиб ўсганмиз, Кўқон мактабларида тахсил олганмиз. Бу ерда Чархий домла, Чустий, Собир Абдулла каби шоирлар билан учрашиб, суҳбатлашиб, баҳра олганмиз. Домла менинг фикр-мулоҳазаларимни тинглаб бўлиб, “Кўқон адабиёти деган адабиёт йўқ”, дедилар. “Битта ўзбек адабиёти бор, бошқа адабий марказлар катта дарёнинг ирмоқлари”, дедилар. “Ўша адабий марказлар секин-аста катта бир дарё пайдо қилади ва ўша дарёнинг оти — ўзбек адабиёти”, дедилар.

Мен домланинг бу гапларидан таъсирланиб кетдим. У кишининг тақлифини мамнуният билан қабул қилдим. У киши устоз, раҳбар сифатида бизга катта-катта йўналишлар берад эдилар. Олим одам майда-чуйдалар билан ўралашиб қолмаслиги кераклигини таъкидлар эдилар. Шу тариқа Фанлар академиясида шакллана бошладик.

Академиянинг президенти Тошмуҳаммад Алиевич Саримсоқов эдилар.

Кучли математик эди

Бир кунги бир дўстимиз, Тошмуҳаммад Алиевич Саримсоқов ҳақидаги хотираларингни ёзиб бергин, деб қолди. Мен математикадан йироқ одамман, у киши эса буюк математик одам, қандай ёзишим мумкин, дедим. Тошмуҳаммад Алиевич Саримсоқовни кўрган, бирга ишлаган, суҳбатини олган одамлар кам қолган, ўшалардан биттаси сенсан, математика қисмини ўзимиз ёзаверамиз, сен домла билан учрашганларинг, суҳбатларинг, муносабатларинг, суҳбат асосида нималар ҳақида гаплашганларинг ҳақида ёз, деди дўстимиз. Мен жиддий ўйланиб қолдим. Олим одам фақат ўз соҳасида шуғулланиш билан чекланмасдан, бошқа илмларни ҳам ўрганиши, бошқа илмлардан ҳам хабардор бўлиши лозимлиги ҳақида буюк зотларнинг гаплари борлиги тўғрисида эшитгандим. Шу сабабли ўйланиб қолдим.

Бир кунги Тошмуҳаммад Алиевич билан суҳбатлашиб ўтирганимизда 1942 йилда, уруш вақтида мактабни битирганимни айтдим. У киши мен докторлик диссертациясини ёқлаган эдим, дедилар. Домла 1915 йил туғилган эдилар. Демак, 27 ёшларда фан доктори бўлган эканлар!

Домланинг “Умр доволлари” деган китоблари чиққан. Кейин домла ҳақида катта хотиралар тўплами чиққан. Ўшанда докторлик диссертациясини ёқлаганлари ҳақида ёритилган. Шундай одамлар билан учрашганинг, суҳбатлашганинг учун шукроналар қилгин, дедим ўзимга ўзим ва кўлимдан келганча хотираларимни ёзиб бердим.

Туғилган юртини севган киши улуг ишларга қодир бўлади

Мен кўриб, суҳбатлашиб бахтига муяссар бўлган улуг зотлардан яна

бири Ҳабиб Муҳаммедович Абдуллаев эди. У киши ҳам ўз вақтида Фанлар академияси президенти бўлганлар. Улар ёшларга жуда ғамхўр, меҳрибон одам эдилар.

Бир кунги мени ахтараётганликларини эшитиб, академия президиумига келдим. 1958 йил эди, демак, 32 ёшда эдим. Эндигина номзодлик диссертациямни ёқлаган эдим.

— Сенга бир вазифа юклаймиз, — дедилар домла очик чехра билан. — Сиз қандай вазифа юқласангиз, қўлдан келганча ижро этамиз, — дедим.

— Сени Тил ва адабиёт институтига директор қилиб тайинладим, ишга тушавер, — дедилар домла.

Мен хайратда қолдим. Тил ва адабиёт институти бизнинг авлод учун муқаддас жой. Ойбек домла, Иззат Султон директор бўлганлар. Бу даргоҳни Ўзбекистоннинг энг кўзга кўринган филолог олимлари бошқарган. Мени ҳали ҳеч ким танимас ҳам, билмас ҳам эди. Қандай бошқарар эканман, деб ўйлақчи қолдим. Ҳабиб Абдуллаев буйўрқа шу вазифани вақтинча бажариш фалончига юклансин, деб ёзган эдилар. Буюм институтдаги ёши катта одамлар орасида шубҳа уйғотди. “Бир болани Ҳабиб Абдуллаев бизга бошлиқ қилиб буюрибдилар”, дейишди.

Энди бугун ёшим улгайиб, у киши нима учун шундай қилганликларининг сабабини яхши фаҳмлайман. Касаба уюмаси фаоли бўлганим боис бир қарорни ўзим толиб қолдим. Қарорда вақтинча бажарувчи бўлиб тайинланган киши, 12 кун эски маошини олиши мумкин эканлиги ҳақида ёзилган эди. Масалан, кичик илмий ҳодим 98 сўм маош олар эди. 12 кунгача ўша 98 сўм маош олиб, вақтинча юқлатилган вазифасини бажариши мумкин экан. 12 кун ўтгандан кейин қанча маош тайинланган бўлса, ўша маошни олса бўлар экан. Мен бу қарорнинг нуқсанини мусоҳибаимизга бердим. Шундан сўнг менга институт директори маошини тўлай бошладик.

Ҳабиб Абдуллаев янги номзод бюрога етиб боргунча мингта чигирикдан ўттиши кераклигини яхши билардилар. Биттаси ўтказса, иккинчиси ўтказмайди. Ким бу, ҳеч ким танимаган ёш болани институтга бошлиқ қилиб қўяди, деган гап туғилмай илоҳи йўқ. Ўша тўсиқни айланиб ўтиш учун мени вақтинча директор қилиб тайинладилар. Вақтинча дегандаймиз уч йил ишладим.

Ҳабиб Абдуллаев катта раҳбар, кучли шахс эдилар. Ўз фикрларини ўтказишда жуда қатъий эдилар. Бирор киши у кишининг сўзини икки қила олмас эди.

Ҳабиб Абдуллаев ёш авлодга ибрат ола бўладиган даражада ижобий муносабатда бўлар эдилар. Мана ҳозир Президентимизнинг ҳар бир нутқини тинглар эканман, улуг зотлардан мерос бўлиб келаяётган муқаддас аңьяналар бардавом эканлигидан бошим осмонга етгудек бўлади. Раҳмат газеталаримизга, бу нутқларнинг мукамал матинини ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам бериб боришяпти. Бутун диққат-эътибор ёш авлодга қаратилган ишларимизнинг давомчилари борлигини аңглатади. Ҳозир ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. Албатта, ўз туғилган юртини севган кишигина улуг ишларга қодир бўлади.

Келажак учун пойдевор

Фанлар академияси президиум мажлисида институт директори сифатида аспирантурага номзодларни олий мактабни тугатмаган талабалар ичидан танлайлик, деган фикрни билдирган эдим. Фан номзодлари, фан докторларини

МУХТАСАР МАЪЛУМОТ:

Азиз Қаюмов 1926 йил январь ойда Кўқонда туғилган.

Катта бобоси Абдурахим Мирзо Кўқон хони саройида мирзабоши бўлиб ишлаган.

Бобоси Абдуқамом Мирзо Кўқоннинг уста хаттотларидан саналган.

Отаси Пўлат Қаюмов ўқитувчи, онаси Адолатхон ая хат-саводли уй бекаси бўлган.

Азиз Қаюмов 1949 йил Ўрта Осиё давлат университетини битирган.

Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтида директор, Тошкент маданият институти ректори ва Ҳамид Сулаймонов номидаги кўлэзмалар институтида раҳбар бўлиб ишлаган.

мана шундай ёшлар орасидан тайёрлайлик, деган эдим. Академиянинг ўша вақтдаги президенти Пулат Ҳабибмуллаев талабалар ичидан ёки мактаб ўқувчилари орасидан эмас, болалар богчасидан тайёргарликни бошлашимиз керак, деган эдилар. Мана бугун Мактабгача таълим вазирлиги алоҳида очилган. Бу жуда катта муваффақият. Саводли болалар келади мактабга. Ана ўшалардан танлаймиз арбобларни. Шунинг учун ҳозирги Президентимизнинг тугган йўллари буюк келажакни куриш учун мустанқам пойдевор яратади. “Бўладиган бола бошидан маълум”, дейишгани бежиз эмас.

Баркамол авлодни шакллантириш

жуда муҳим масала

Академик Тошмуҳаммад Ниязович Қори Ниязий номидаги илмий марказ бор эди. Математика бўйича бир фан доктори раҳбарлик қилар эди. У киши Қори Ниязий ҳақида бир нарс аёзиб беринг, деди бир кунги, сиз у кишини кўп кўргансиз, суҳбатларини олгансиз, деди. Шу нарсани ёзиш максасида, Қори Ниязий домланинг “Ҳаёт мактаби” китоблари, у киши тўрғисида ёзилган бошқа ишлар билан танишиб чикдим. У вақтда Усмон Юсупович Юсупов Марказомининг биринчи секретари бўлганлар. У киши маориф ҳодимлари олдига кўп нутқлар сўзлаганлар. Қори Ниязий домланинг ёзганларини Усмон Юсуповнинг нутқлари матнлари билан солиштириб чикдим. Шундан билдимки, иккисида ҳам маориф ҳодимлари борасида бир хил фикр айтилган. Энг катта эътибор бошлангич синфга қаратилсин, дейилган, энг тажрибали ўқитувчилар бошлангич синфга юборилсин, энг катта маош ўқитувчиларга берилсин, деб Усмон Юсупов ҳам айтганлар, Қори Ниязий ҳам айтганлар. Улар икки хил гап айтиши ҳам мумкин

Президентимиз буюк боболаримизга хурмат кўрсатдилар

Президент Шавкат Мирзиёев буюк боболаримиз ҳақида кўп гапирдилар. Абу Райхон Беруний, Муҳаммад Хоразмий, Ахмад Фароний, Имом Бухорий ва бошқаларни жуда кўп тилга оладилар. Ёш авлод билсин, дейдилар. Ҳақиқатан ҳам, Абу Райхон Беруний 18 ёшида глобусни яратган. Ўзидан ўзи яратмайдди 18 ёшли бола. Унинг ҳам устози бўлган, унинг раҳбарлиги остида яратган. Муҳаммад Хоразмийдан бошлаб то Ибн Синогача ҳаммалари катта олимлар бўлиб, дунёга танилган ва халқимизни танитган. Лекин битта фигура юртимизда кам ўрганилган. Абу Наср Форобий. Абу Наср Форобий Фороб деган шаҳардада туғилган. Тошкентдан 100 километр. Тошкентсиз Форобий юзга қилмас эди. Отаси ҳарбий хизматчи бўлган. Фороб шаҳри ҳозир Қозоғистон ҳудудида. Мен борганман у ерга. Бир неча китоблардан олиб келганман. У киши, асосан, араб тилида ёзган. Китоблари араб тилидан лотин тилига, ундан Европа тилиларига, кейин рус тилига, рус тилидан қозоқ тилига таржима қилинган. Форобий бўйича бутун Ўзбекистондан битта одам шуғулланган. У киши катта олим эдилар. Музаффархон Ҳайруллаев. Фалсафа институти директори эдилар, сўнг Шарқшунослик институтида ўн йил директор бўлганлар. Мен Форобийнинг китобларини олиб келдим, кейин ўзим ўйлаб қолдим. Мен кўлимдан келганича Беруний ҳақида, Хоразмий ҳақида, Фароний ҳақида бир-ичта мақолалар ёздим, чикардим, Ибн Синонинг “Тиб қонунари” китоби таржимаси тақдимотида қатнашдим, Ибн Сино ҳақида бир китобча ҳам чикар-

дим. Лекин ўзим Форобий ҳақида ҳеч шуғулланмадим. Музаффархон Ҳайруллаев ёзган китобларни ўқиб чикдим. Жуда яхши ёзилган, жуда билимдонлик билан ёзилган. Ўзлари жуда истеъдодли, меҳнатсевар олим эдилар. Лекин уларнинг вафотидан кейин Ўзбекистонда ҳеч ким Форобийни тилга олмайдди. Мана Шарқшунослик институти қайта тикланди, ўз ишини давом эттиряпти. Яқинда суриштирдим, Форобий ҳақида кимдир ишляяптими, деб. Шуғулланган бир қанча одамлар вафот этишган дейишди. Ёшлар орасида йўқми Форобийни ўрга-наётган, дедим. Бу ишнинг давомчилари ҳали йўқ, дейишди.

Ёшлар билан ишлаш асосий вазифамиз

Мен олиб келган китобларим асосида бир иш устида ишляяпман. Мана, Навоийни ҳамма ўрганади, ҳамма билади. Кимдан ўрганган, Олим Шарафиддиновдан, Ойбекдан, Иззат Султондан ўрганган. Демак, ёш авлод билан ишлаш бизнинг асосий вазифамиз. Ишимизнинг муносиб давом эттирувчиларини тайёрлаш ўзимизга бог-лик. Ҳозир шу масалага тўрғи эътибор берилмоқда. Давлат ҳам диққат қилмоқда, ўзимиз ҳам эътибор қилмоқдамиз. Ҳисоботларимизда биздан ёш авлодни тайёрлашда қандай иштирок этаятганимизни сўрашади. Кимларни тайёрлаб чиқардинг, дейишмоқда. Бу масалалар юқори аҳамиятли ҳисобланаётгани мактовга сазовор.

Биз фалончини тайёрладим, деб гўддайиб юришимиз керакмас. Ёш авлод ишимизнинг муносиб давомчилари бўлиб, биздан ҳам яхшироқ ишляшлари, чуқурроқ ўрганиб, халққа тақдим этишлари керак. Мамлакатнинг келажиги шу туфайли таъминланади. Навоийшунос сифатида гапимни Алишер Навоийнинг бир шеър билан тамомлайман.

Умр кунин қисмат этибтур қазо,
Ҳар чоғин бир ишга қилур иқтизо.

Ўнчага гафлат ила побасалтиқ,
Жаҳл йиғирмагачау мастлиқ.

Уттиз қирқ ичра эрур айшу ком,
Ваҳки, манга ул доғи эрди ҳаром.

Қилмади элдибо тараққий киши,
Олтимуш барча таназзул иши.

Етмиш аро вожиб эрур турмоғинг,
Саксон аро фардир ўтурмоғинг.

Тўқсон аро бўлди йиқилмоқ керак,
Юз аро жон таркини қилмоқ керак.

— Дадам Навоий, Фўзулий, Машраб ғазалларини худди Куръон тиловат қилгандек чиroyили оҳанг билан ўқирдилар, — деган эдилар домла бир суҳбатларида. — Ҳазал оҳанглари ҳозир ҳам қулғоми остида жаранглайди. Ойла-даги ана шу муҳит мени болаликдан китобга ошно қилган, бутун ҳаёт йўлимни белгилаб берган.

Алишер Навоий даҳосига бир умр таъзимда яшаб ҳаётини илму маърифат билан зийнатлаган академик Азиз Қаюмовнинг қолдирган мероси ёшлар учун бебаҳо хазинадир. У киши Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонидан умр йиллари ҳақида сатрларни бот-бот тақрорлар эканлар, асосий айтилмоқчи бўлган фикрни эса алоҳида ургулаб таъкидлар эдилар:

Умр эрур тақвою тоат учун,
Тенгри буюргонга итоат учун.

Ҳақиқатан ҳам, буюк шоир Алишер Навоий даҳоси барҳаётдир. У ўз авлодларига муносиб ибрат бўлиб, ақлун қаридан мангу сабоқ бериб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Адиблар хиёбони очилишида соҳавий йўналишдан қатъи назар, барча олий таълим муассасаларида ўзбек адабиётини ўқитиш, ўқув режасига Алишер Навоийга бағишланган махсус фан — Навоийшунослик фанини киритиш ҳақида қimmatли фикр-мулоҳазалар билдирди. Юртимизда бугунги кунда адабиётга, китобга, маънавиятга берилаётган юксак эътибордан буюк бобомиз асрлар қарғидан мамнун бокиб тургандек гўё. Ўрта асрлар Ўғойиш даврида Шарқнинг ҳар бир шаҳрида шоир адиблар, олиму уламолар халқ эъзосида, солиқлардан озод қилинган, эътибор топгани аңьяна сифатида давом этиб келмоқда. Энди очик осмон остидаги Адиблар хиёбонида янгича уйғонилар давом этади. Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг ўлмас руҳи бундай анжуманлардан шод бўлиб, авлодларига миннатдор боқади.

«Халқ сўзи».

“ Н а в о и й н и н г қаҳрамонлари Фарход — Хитойдан, Искандар — Юнондан, Ширин — Арманистондан, Қайс — Арабистондан, Шопур — Эрондан. Бу образларни яратган Навоий эса ўзбек халқининг шоири ”.

Н. И. КОНРАД,
академик.

“Саъдий “Гулистон”ининг таржимаси Оврупода XVII асрда амалга оширилганини эсласак, Навоийнинг “Саъдий сайёр” достони Оврупода илк таржима этилган ва Ғарб ўқувчилари орасида катта шухрат қозонган Шарқ адабиёти намунаси бўлиб чиқади”.

Е. Э. БЕРТЕЛЬС,
профессор.

“Навоийгача бўлган даврнинг ғазалчилиги — ўзи битта қоя. Навоий бирданга ўртага Помирдай чиқиб қолди. Ундан кейин яна пастга қараб сахро бошланди. Бобур яна катта бир тоғ сингари ўртага чиқди”.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Халқ шоири.

“Навоийни ўқиб эси бор ишқибозга шегър ёзиниғина эмас, шегър ёзмаслиқни ҳам ўргатади. Навоийни ўқимай кўйиши — уни йўқотиши билан баробар. Навоийни йўқотиш эса халқимиз учун ўзликни йўқотиш демакдир. Негаки, у — асл ўзғимиз, томирымиз, ўзоқ тарихимиз жам бўлган қомусимиз, руҳий неъматимиз. Навоийнинг танлиғи, теранлиғи, улўғлиғи — аввало ўзбекнинг қалбига хос, сўнг умумжаҳонники”.

Эркин ВОХИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Халқ шоири.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 39 908 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзловлар 71-232-11-15.



Тахриратга келган кўлэзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзқиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.
Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 03.25 Топширилди — 04.05 1 2 3 4 5 6

«Халқ сўзи».